



ҚАРОР

2010 yil "13" Январ

№ 47-15

Самарқанд тумани

«Фуқаро Махмудова Холчучукга «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиариқ» маҳалласи ҳудудидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуришга ер майдони ажратиш туғрисида»

Улуғбек қишлоқ фуқаролар йиғини Янгиариқ маҳалласида яшовчи фуқаро Махмудова Холчучук туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиариқ» маҳалласи ҳудудидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномаси ва иш ўринларини яратилишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш туғрисида»ги қарори ҳамда «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Фуқаро Махмудова Холчучукга «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиариқ» маҳалласи ҳудудидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 120 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ажратиш туғрисидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Махмудова Холчучукга кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси ва давлат архитектура қурилиш назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш юклансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев